

8-сон  
Июль – сентябрь 2016

Лойиҳанинг якуний  
конференцияси  
бўлиб ўтди

4-бет

Саволингизга  
экспертдан  
жавоблар

11-бет

Ота-оналар,  
Сизлар учун!

Ота-оналар клуби –  
бир-бирини қўллаб-  
қувватлаш, тажриба ва  
билим алмашиш маскани  
14-бет



# СЕН БИЛАН БИРГАМАН!



Европа Иттифоқи



РБИММ



Ўзбекистон Республикаси

«Ўзбекистонда алоҳида эҳтиёжли болалар учун инклюзив таълим» лойиҳаси Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилмоқда ва Human Dynamics раҳнамолигидаги консорциум томонидан амалга оширилмоқда

## №8-сонимизда

2016 йилнинг июнь-сентябр ойларида лойиҳа доирасида амалга оширилган тадбирлар рўйхати

### Лойиҳа янгиликлари

Лойиҳанинг якуний конференцияси бўлиб ўтди	4
Якуний конференция ҳақида: Европа Иттифоқи	5
Лойиҳанинг асосий бенефициари – Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази директори Алимова Васида Сатторовна	8

### Эксперт бурчаги

Алоҳида эҳтиёжли боланинг ривожланиши йўлида 7 қадам	10
Саволингизга экспертдан жавоблар	11

Ота-оналар клуби – бир-бирини қўллаб-қувватлаш, тажриба ва билим алмашиш маскани	14
--	----

Лойиҳа раҳбари Самарқанд шаҳридаги Ота-оналар клуби аъзолари билан учрашди	16
--	----

Алоҳида эҳтиёжга эга болаларга тарбия кўрсатадиган ота-оналар учун 15 қоида	17
---	----


Самарқанд шаҳридаги Ота-оналар клуби фаолиятининг тақдироти	18
---	----

Ўрганч шаҳридаги «Умид» Ота-оналар клубининг муваффақиятлари	19
--	----

Фойдали манбалар	23
------------------	----

Лойиҳамиз жамоаси	24
-------------------	----

Лойиҳа экспертлардан самимий тилаклар	25
---------------------------------------	----



## Биз билан алоқа манзили:

«Ўзбекистоннинг алоҳида эҳтиёжли болаларни инклюзив таълим олиши» лойиҳасининг офиси, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази  
Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 34, Тошкент шаҳар, 100100, Ўзбекистон  
Тел.: (+998 90) 980 82 98

Лойиҳа веб-сайти: <http://www.inclusive-education.uz/>  
Биз билан Фейсбукдаги саҳифа орқали боғланинг:  
<https://www.facebook.com/inclusive.uz/?ref=bookmarks>



# Лойиҳа доирасида 2016 йилнинг июль-сентябр

ойларида амалга оширилган асосий

## ИШЛАР РЎЙХАТИ



2016 йил 12-15 июл	Наманган шаҳри пилот мактаб ва боғчаларнинг ўқитувчилари учун семинар
2016 йил 14-15 июл	Наманган шаҳри ТППК/ПТПК мутахассислари учун семинар
2016 йил 18-21 июл	Термез шаҳри пилот мактаб ва боғчаларнинг ўқитувчилари учун семинар
2016 йил 19 июл	Термез шаҳри Директор жамғармаси бўйича семинар
2016 йил 20 июл	Сурхандарё вилояти ҳалқ таълими туман бошқармалари ходимлари учун давра суҳбати
2016 йил 22 июл	Тошкент шаҳри Директор жамғармаси бўйича семинар
2016 йил 25 июл	Ўрганч шаҳри Директор жамғармаси бўйича семинар
2016 йил 27 июл	Самарқанд шаҳри Директор жамғармаси бўйича семинар
2016 йил 29 июл	Наманган шаҳри Директор жамғармаси бўйича семинар
2016 йил 1 август	Тошкент шаҳрида Матбуот анжумани
2016 йил 2-3 август	Тошкент шаҳрида педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш мутахассислари учун семинарлар (Термездан иштирокчилар билан)
2016 йил 4-5 август	Самарқанд шаҳрида педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш мутахассислари учун семинарлар
2016 йил 5 август	Самарқанд шаҳридаги Ота-оналар клуби билан учрашув
2016 йил 9-10 август	Наманган шаҳрида педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш мутахассислари учун семинарлар (Ўрганчдан иштирокчилар билан)
2016 йил 10 август	Тошкент шаҳрида пилот болалар боғчасида Очик эшиклар куни
2016 йил 15-18 август	Тошкент шаҳри пилот мактаб ва боғчаларнинг ўқитувчилари учун семинар
2016 йил 18 август	Инклюзив таълим бўйича ўзоқ муддатли Миллий стратегия лойиҳасига бағишланган Давра суҳбати (миллий ҳамкорлар билан)
2016 йил 25 август	Инклюзив таълим бўйича ўзоқ муддатли Миллий стратегия лойиҳасига бағишланган Давра суҳбати (ҳалқаро ҳамкорлар билан)
2016 йил 26 август	Ўрганч шаҳридаги Ота-оналар клуби билан учрашув
2016 йил 20 сентябр	Бошқарув қўмитасининг 5 йиғилиши
2016 йил 21-22 сентябр	Лойиҳанинг якуний конференцияси

## Тошкентда «Ўзбекистонда алоҳида эҳтиёжли болалар учун инклюзив таълим» лойиҳасининг якуний конференцияси бўлиб ўтди



2016 йилнинг 21-22 сентябр кунлари ҳукумат вақиллари, Ўзбекистон Республикасидаги Европа Иттифоқи Делегацияси вақиллари, халқаро донор ҳамжамияти, Тошкент, Наманган, Самарқанд, Сурхандарё ва Хоразм вилоятларидан экспертлар ва мутахассислар, ҳамда лойиҳа фаолиятига жалб этилган алоҳида эҳтиёжли болалар ва уларнинг ота-оналари иштирокида «Ўзбекистонда алоҳида эҳтиёжли болалар учун инклюзив таълим» лойиҳасининг марказий даражадаги нуфузи» номли якуний конференцияси бўлиб ўтди.

Ўзбекистонда инклюзив таълим ривожланиш истиқболлари ҳақида Халқ таълими вазирининг ўринбосари Дилшод Кенжаев тақдимот билан сўзга чиқди. Тақдимот жараёнида айтиб ўтганидек, лойиҳа доирасида 907та алоҳида эҳтиёжли бола 27 пилот мактаблари ва 27 пилот болалар боғчаларида умумтаълим тизимига жалб қилинган бўлиб, шу билан бирга лойиҳадан

фойда олган болаларнинг умумий сони 1500тани ташкил этди.

Инклюзив таълимнинг ҳуқуқий асослари ҳақида Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг Болаларнинг ҳуқуқий муаммоларини ўрганиш бўлими бошлиғи, лойиҳанинг ҳуқуқий масалалар бўйича эксперт Юлдузхон Ўмарбекова сўзлаб берди. Ўзбекистонда болалар

ҳуқуқлари миллий ҳуқуқнинг турли соҳаларида қабул қилинган қонун ҳужжатлари нормалари билан ҳимоя қилинади. Масалан, 2007 йилда «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Қонунда соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий таъминот ва ҳар томонлама ривожланиш соҳаларида болалар ҳуқуқларининг кафолатлари



белгилаб берилди. Ушбу қонунда ижтимоий жиҳатдан ҳимояга муҳтож ва махсус эҳтиёжга эга болалар ҳуқуқларининг кафолатларига алоҳида урғу берилди. Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази директори Василя Алимова Лойиҳани марказий даражада амалга ошириш мобайнида эришилган инклюзив таълим соҳасидаги муҳим ютуқлар бўйича тақдимот билан сўзга чиқди. Жумладан, асосий натижалардан бири бу Ўзбекистонда инклюзив таълим бўйича ўзоқ муддатли Миллий стратегия лойиҳаси ва 2016–2018 йиллар учун мўлжалланган Тадбирлар режаси бўлиб, улар миллий ва ҳалқаро ҳамкорлар билан кенг муҳокама қилинди, ҳамда Ҳукумат даражасида Стратегияни тасдиқлаш бўйича кейинги амалий қадамлар аниқлаб олинди. Европа Иттифоқи мамлакатларидан келган ҳалқаро экспертлар иштирокида ишлаб чиқилган Стратегия лойиҳаси Ўзбекистон Республикасида таълимнинг инклюзив тизимини такомиллаштириш учун асос яратади, ва бу ўз навбатида ҳар бир болага, унинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий ҳолати, жимоний ва руҳий ривожланишидан қатъи назар, таълим олишдаги алоҳида эҳтиёжларига мослаштирилган сифатли таълим олиш учун тенг ҳуқуқлилиқни таъминлайди. Бундан ташқари, тадбирда бир қатор ҳалқаро ва миллий экспертлар лойиҳанинг куйидаги натижаларини



ўз тақдимотларида айтиб ўтдилар:

- Тиббий, психологик ва педагогик комиссия аъзолари ва педагогик ходимларнинг 1350таси таълим соҳасида инклюзив хизматлар кўрсатиш бўйича ўқитилди;
- Бешта пилот Ресурс марказлари ташкил этилган бўлиб, улар алоҳида эҳтиёжли болалар ва уларнинг оилаларига, ҳамда инклюзив хизматларни ишлаб чиқиш ва уларни тадбиқ этишга жалб этилган экспертларга 2000дан зиёд хизматлар кўрсатди;
- Ўзбекистонда жамоатчи-

ликнинг алоҳида эҳтиёжли болаларнинг ижтимоий ва таълимдаги инклюзияси масалалари ҳақидаги хабардорлигини ошириш мақсадида 150дан ортиқ мақолалар чоп этилди, 11та теледастурлар ва 24та радиодастурлар эфирга ўзатилди;

- Лойиҳанинг учта тилда яратилган [www.inclusive-education.uz](http://www.inclusive-education.uz) веб-саҳифаси муваффақиятли ишламоқда, уни кўздан кечирганларнинг умумий сони 110 мингга етди.
- Лойиҳанинг 8та бюллетени, ҳамда инклюзив таълим тамойиллари ҳақида маълумот берувчи



# Лойиҳа янгиликлари



бешта рисолаи чоп этилди. Шунингдек, тадбирда пилот мактаби ўқитувчилари ўқув жараёнига тадбиқ этилган инклюзив тажрибалари, алоҳида эҳтиёжли болаларнинг ютуқлари, ҳамда Ўзбекистонда инклюзив таълим йўлидаги кейинги қадамлар бўйича тақдиротлар эшитилди. Инклюзив таълим ҳамма болалар учун, шу жумла-

дан махсус эҳтиёжга эга бўлган болалар учун, турли хилдаги талабларини ҳисобга олган ҳолда тенг таълим олиш имкониятини яратишга қаратилган. Инклюзив таълим тамойиллари ҳар бир бола таълим олиш ҳуқуқига эга эканлиги, ҳамда у тегишли билимлар даражасини эгаллаб, бу даражани тутиб туриш имкониятига эга бўлиши

лозимлигини бош ўринга қўяди. Таълим соҳасида махсус эҳтиёжларга эга шахслар оддий мактабларда ўқиш имкониятига эга бўлишлари керак. Умумтаълим мактаблари аввалам бор болаларнинг махсус эҳтиёжларини қаноатлантира оладиган педагогик методларга асосланган шарт-шароитларни яратиб беришлари лозим.





## Конференция ҳақида шарҳлар:

Ҳурматли ҳамкасблар ва дўстлар!  
Мен лойиҳаси ютуқларига бағишланган ва жуда юқори даражада ташкил этилган ва муваффақиятли ўтказилган анжуман билан сизларни табриклайман!  
Сизлардан ҳар бирингиз лойиҳа муваффақияти учун катта иш қилган ва ўз ҳиссасини қўшган. Конференция мобайнида маҳаллий ҳокимият органлари, ўқитувчилар, мактаб ва боғча раҳбарларининг, ва энг муҳими, алоҳида эҳтиёжга эга болаларнинг ота-оналари чиқишлари яна бир бор мамлакатимиз учун ушбу лойиҳа ўз вақтида ҳамда катта аҳамиятга эга эканлигига барчамизни ишонтирди.  
Фурсатдан фойдаланиб, мен лойиҳа доирасида фаолият кўрсатган сизларнинг шижо-аткорона лойиҳа муваффақияти йўлидаги меҳнатингиз учун ҳаммага ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман! Умид қиламанки, инклюзив таълим дастури лойиҳа тугагандан сўнг ҳам давом этади ва барқарор бўлади. Умидим борки, Ўзбекистонда инклюзив таълим бўйича ўзоқ муддатли Миллий стратегия лойиҳаси қабул қилиниб, Ресурс марказлар тўла равишда иш олиб боради, ҳамда умумтаълим муассасаларда алоҳида эҳтиёжга эга болаларнинг сони аста-секинлик билан кўпайиб бораверади!  
Ишончим комилки, лойиҳа доирасида ташкил этилган Европа мамлакатлари ва



Ўзбекистондаги мутахассислар тармоғи доимо алоқада қолади, ва эришилган натижаларни янада ошириш борасида доимий равишда кўмак кўрсатади. Шунинг учун мен Ўзбекистонда инклюзив таълим лойиҳасининг мухтор элчилари ва кунгиллилар бўлиб қолишимизни барчамизни чақираман!  
Энг самимий тилаклар ила,

**Акмал Рустамов,**  
**Ўзбекистонда Европа**  
**Иттифоқи Делегацияси номидан**

Ҳар бир бола ўз  
имкониятларидан  
**келиб чиқиб**  
**таълим олиш**  
**ҳуқуқига** эгадир



## Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази (РБИММ)нинг раҳбари

### Алимова Васида Сатторова лойиҳа ҳақида

Лойиҳа биринчи ўринда Марказнинг алоҳида эҳтиёжли болаларнинг ҳуқуқларини таъминланиши борасидаги фаолиятини бир неча қадам олдинга силжитди. Шубҳасиз, бу ишлар аввал ҳам олиб борилган, бироқ лойиҳа фаолиятимизнинг келгусидаги ривожланишига кучли туртки бўлди.



Иккинчидан, лойиҳа нафақат вазирлик ва муассасаларнинг мутахассислари, балки РБИММ мутахассисларининг ҳам билим даражаси ва малакасини ошириш имконини берди. Лойиҳа доирасидаги фаолиятларида ходимларимиз бошқа мамлакатларнинг инклюзив амалиёти тажрибасини ўрганиш, маҳоратини ҳосил қилиш орқали, айтишимиз мумкинки, инклюзив таълим жабҳасидаги ўз билимларини уч баробар орттиришди. Учинчидан, бу инклюзив таълимга ёндошувдир. Биламизки, инклюзив таълимга нисбатан ягона нуқтаи назар,

қараш йўқ. Ҳар бир мамлакат ўз имкониятларидан келиб чиқишини ўрганган ҳолда биз, лойиҳа туфайли жуда катта ахборотга эга бўлдик. Ҳар бир мамлакатнинг ижобий тажрибаси ва чиқарган сабоқлари доимо фойдали бўлиб келган; айтишади-ку, ўзгалар қилган хатолардан хулоса чиқариш, ўрганиш осонроқ деб. Инклюзив таълимнинг баъзи бир томонлари муаммоларга айланиб кетиши мумкинлигини билиш биз учун муҳим бўлди. Вазирлик ва муассасаларнинг мутахассислари жалб қилинган Ўзбекистонда инклюзив таъ-

лимни ривожлантирилишига ёндошув ҳамда тўзилмасини ишлаб чиқараётганимизда, биз тўрган гапки, ички жиҳатларимиз – менталитет, турмуш тарзи, таълим тизими ва соғлиқни сақлаш каби бир қатор жиҳатларни ҳисобга олддик. Шу каби барча омиллардан келиб чиқиб, Ўзбекистон шароитида муқобил бўлган моделни ишлаб чиқаришга ҳаракат қилдик. Ва, албатта, энг муҳими – инклюзив таълим бўйича мавжуд бўлган меъёрийҳуқуқий базани чуқур таҳлил қилишга муваффақ бўлдик. Ўзбекистон қонунчилиқ базасида кучли





жиҳатлар жуда кўп, шу билан бирга инклюзив таълимнинг ишга туширилишида алоҳида эҳтиёжли болалар ва уларнинг отаоналарига юқори малакали таълим олиш учун шартшароит яратиш тарафидан ҳали кўриб чиқилиши зарур бўлган жиҳатлар ҳам мавжуд эканлигини аниқладик. Лойиҳа доирасида ОЎЮнинг талабаларига инклюзив таълим бўйича курсларни йўлга қўйдик, 2015-2017 йиллар учун инклюзив таълим бўйича Миллий стратегиямизни ишлаб чиқдик, шунингдек, болалар ҳуқуқларини таъминлашга доир бир қанча ҳужжатларни ишлаб чиқдик. Бу, албатта, ҳалқаро ва миллий экспертларнинг қўллабқувватлари асосида амалга оширилди. Таъкидлаб ўтиш жоизки, буларнинг ҳаммаси жамаот-

чилик уюшганлигида юзага чиққан ишлардир. Жалб қилинган ҳеч қайси вазирлик четда қолмади, ишга барча баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшди. Яна аҳамиятга молик бўлган жиҳати шундан иборатки, аҳолини хабардор қилиш фаолиятига мувофиқ, отаоналар, педагоглар, мутахассислар ушбу соҳа юзасидан кўп маълумотга эга бўлишди. Ота-оналарнинг РБИММ филиаллари, Ресурс марказлари ҳамда Ҳалқ таълими вазирлигидан маслаҳат сўраб ёки фарзандларини таълим муассасаларига жойлаштиришда ёрдам сўраб қилган мурожаатлари сонининг ошиши бунинг асосий кўрсаткичидир. Лойиҳа асосий ташаббусининг раҳбари сифатида лойиҳа


гуруҳи билан ишлашда катта тажриба орттирдим. Бу менга, РБИММ фаолияти, мутахассисларимизнинг ишларига ишни ташкил этишимизга, янгиликларни ўрганишимизга, лойиҳа фаолиятига ёндошувимизга, дунёқарашимизга ижобий таъсирини кўрсатди. Албатта, барчамиз турли тоифа, миллат, менталитетга мансубмиз, бироқ мен ҳар доим ниманидир ўрганишга интиламан ҳамда энг яхши нарсани олишга ҳаракат қиламан. Ўзим учун ишни ташкил қилиш тамойилидан тортиб, алоқаларни шакллантиришгача бўлган кўп фойдали жиҳатларни олдим. Умид билдираманки, эгалланган тажриба келажақда менга ва ҳамкасбларимга ишларда ва ҳаёт йўлларида катта ёрдам беради.





# Алоҳида эҳтиёжли боланинг ривожланиши йўлида 7 қадам

Оилангизда алоҳида эҳтиёжга эга бола дунёга келди. «Нима учун айнан менда?», «Нима сабабдан?», «Бу билан энди қандай қилиб яшайман ва нима бўлади?» деган саволлардан сўнг, энг катта ва муҳим ёрдам ўз қўлингиздадир ва шунга ишонч ҳосил қилиш керак.




1

Боланинг касаллиги, яъни қаерда даво олиш мумкинлиги, ушбу касалликка тегишли қандай ёрдам кўрсатиш воситалари ва усуллари мавжудлиги, яна қандай қўшимча воситалардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида кўпроқ маълумотга эга булинг.



2

Нимани яхшилаш, мослашиш ёки тузатиш мумкинлиги, ва нима шундайлигича қолиши ҳақида ўзингиз учун ҳулоса чиқаринг.



3

Боланинг даволаш ва реабилитация қилиш учун барча ҳаракатлар тизимли ва изчил равишда олиб бориш зарур.



4

Боланинг ривожланишида ҳар бир босқичи учун ўз мақсадлари, вазифалари, талаблари мавжуд. Кўпроқ машғулот, ҳар доим яхши эмас.



5

Боланинг ҳар бир ёши учун тегишли ривожлантириш усулини танланг (боғча, мактаб, таълим муассаси, ишлаш жойи).



6

Шахсий ривожланиш учун кучли восита сифатида билимга чанқоқлигини ишга солишга ҳам ҳаракат қилинг. Уни амалга ошириш учун шарт-шароит яратинг.



7

Маданият оламига қизиқтириш, шахсиятни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратинг. Санъат, мусика, театр, хунармандчилик – ҳар қандай ёшида ва ривожланиш босқичида реабилитация учун энг кучли захирадир.



# Саволларингизга жавоб берамиз



Саволларингизга Тошкент вилояти бўйича ҳудудий эксперт, нодавлат ўқув-коррекцион реабилитация марказининг директори, дефектолог Дилдора Тўлаганова жавоб беради.



Тошкент шаҳри, Билолнинг онаси, (8 ёшда, психо-нутқий ривожланиш кечиктириши): *Болам ўқишда ортда қолмокда, ўқиш кўникмаларни ривожлантириш учун қандай услубларни таклиф қилишингиз мумкин?*  
8 ёшли Артёмнинг онаси – ўқиш техникасини қандай қилиб яхшилаш мумкин?

«**Ўқиш** – болалар учун дунё ва ўзи ҳақида билим олиши учун бир ойнадир» В.А. Сухомлинский.  
Биринчидан, ўқиш учун таклиф этилаётган матн болада қизиқиш уйғотиш керак. Одатда ўғил болалар машиналар, ҳайвонот олами, сарғўзаштларга бағишланган матнларни

ўқишни яхши кўришади. Бундан ташқари, матн ҳажми катта бўлмаслиги керак. Бола чарчаган сари унинг ўқишга бўлган қизиқиш пасаяди. Бундан ташқари ҳарфларнинг ўлчачми ва шакли тўғри танланган бўлиши керак, ва ўқиш жараёни 15 дақиқадан ошмаслиги лозим. Ушбу машқни ҳар куни мунтазам равишда

## Ҳовлида



нинг



да уй ҳайвонлари ва қушлари яшаган.

Ҳар бири ўз иши билан машғул бўлган.



ларни

қувлаган,



қуриқлади.



ва



берарди.



– жун берарди. Бувиси жундан



ва



тўқирди.

Эрталаб



кутиб оларди,



эса



олиб келарди.

Бувиси ҳовлида барча бахтли яшаган!

# Мутахассис текшируви

олиб бориш керак, ҳар куни 15 дақиқа ичида. Глобал ўқиш услубини ҳам қўллаш мумкин, унда бола бўғинларни эмас, балки сўзни тўлиқ равишда эслаб қолади. Бундан ташқари, сўзлар ўрнида расмлар тақдим этилган китоблар ҳам бор, ва бола тасирларни ва сўзларни

эслаб олиши мумкин. Шунинг учун ота-оналарнинг ҳатти-ҳаракатлари моделларини такрорламоқда. Шунинг учун ота-она қўлига китоб олмаса, болани ўқишга қизиқтириш қийин бўлади.



**8 ёшли Ванессанинг онаси, ДЦП, кичикмия аломатлари.**  
*Қизимда дудукланиш пайдо бўлди, томир тортишишга ўхшаб кетади кўпроқ. Аммо бу мактабдан кейин пайдо бўлди. Бундан олдин яхши гапира олмасди, бироқ дудукланиш йук эди.*

Фарзандингизда дудукланиш пайдо бўлиши билан, дархол мутахассисга, логопедга мурожаат қилишингиз керак. У болангиз учун индивидуал режа асосида машқ олиб боради. Бундан ташқари, бола атрофида стресссиз муҳитни яратиш зарур, оғзаки топшириқларни бермасликка ҳаракат қилиш керак, фақат ёзма равишда. Нафас машқлар мажмуаси, вокал, ҳамда сузиш каби машқлар яхши ёрдам беради. Барча

машқларни мутахассис-логопед иштирокида амалга ошириш зарур, чунки ота-оналар мустақил равишда бир хил услубиятларни бажара олмайдилар. Агарда Сизда қўшимча саволлар бўлса, сиз марказимизга мурожаат қилишингиз мумкин: «Lola Muminoва» нодавлат ўқув-коррекция реалибитация маркази, Яккасарой тумани, Шота Руставели кўчаси (олдинги Ивлева кўчаси), 17 уй. «Баркамол авлод» биноси.



**Саволларингизга**  
**Юлдузхон Умарбекова –**  
**ҳуқуқий масалалар бўйича**  
**миллий эксперт жавоб беради.**



**Саяра, №8 мактабнинг ўқитувчиси.**  
*Инклюзив таълимни амалга ошириладиган таълим муассасаларни молиялаштиришда қандайдир ўзгаришлар борми?*

Инклюзив таълимни амалга ошириладиган таълим муассасаларни молиялаштириш бўйича барча ўзгаришлар Ўзбекистонда инклюзив таълим бўйича ўзоқ муддатли Миллий стратегия лойиҳасида ўз аксини топган. Ушбу ҳужжат лойиҳа томонидан ҳамда

миллий ҳамкорлар билан биргаликда ишлаб чиқилди. Шу билан бирга, амалдаги қонунчиликда инклюзив таълимни молиялаштириш жараёни бўйича стандартлар мавжудлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Таълим муассасаларида аъло ютуқларни



кўрсатган ходимларни рағбатлантириш бўйича директор жамғармаси Низомига асосан, бугунги кунда ўз синфларида инклюзив таълимни амалга оширилаётган ўқитувчиларни мукофотлаш мумкин («Халқ таълими ходимларини ҳақ тулаш бўйича мукаммаллаштирилган тизимни тасдиқлаш тўғрисида» 2005 йил Вазирлар Маҳкамасининг 275-сонли Қарори).  
«Давлат ихтисослаштирилган мактаб-

гача таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича чоратадбирлар тўғрисида» (2010 йил) Вазирлар Маҳкамасининг 117-сонли Қарорига асосан, ҳозирги кунда умумтаълим боғчаларда боланинг индивидуал ривожланиш режаларини ишлаб чиқишда инклюзив гуруҳи тарбиячисига ёрдам бериб, ушбу жараёнда ҳамроҳ бўладиган дефектолог (штат)нинг ишини ташкил қилиш имконияти мавжуд.



**Расулбекнинг онаси.**

*Фарзандим хонаки таълим олмоқда, мактабдаги тадбирларда еки дарсларда қатнашиш ҳуқуқига эгами? Бунга ким жавоб беради? Ушбу масалани ҳал қилиш учун мен кимга мурожаат қилишим керак?*

Сиз болангиз таълим олаётган мактаб директорига мурожаат қилишингиз керак. «Жисмоний ёки руҳий ривожланишида ортда қолаётган, ҳамда узоқ муддатли даволашга муҳтож бўлган болалар учун уйда индивидуал ўқитиш жараёнини ташкил этиш тўғрисида»ги Низомнинг 30-пунктга асосан, мактаб директори бошқа болалар билан муомала кўникмаларини эгаллаб олиш ҳамда инклюзия шароитида ижтимоий мослашиш мақсадида алоҳида эҳтиёжга эга ўқувчини мактаб дарсларига, мактабдан ташқари маданий-оммавий тадбирларга, ҳамда коррекцион-ривожланиш машғулотларга жалб қилиш мумкин.

(«Жисмоний ёки руҳий ривожланишида ортда қолаётган, ҳамда узоқ муддатли даволашга муҳтож бўлган болалар учун уйда индивидуал ўқитиш жараёнини ташкил этиш бўйича Низомни тасдиқлаш» тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 30 йунда №2691-сон билан руйхатга олинган. Бу жараён Сиз ва мактаб директори ва тегишли ўқитувчилар билан яқин ҳамкорликда оширилса, сиз ва бола учун самарали бўлади.

**«Если я чем-то  
на тебя не похож,  
я этим вовсе  
не оскорбляю тебя,  
я, напротив,  
одаряю»**

(Антуан де Сент-Экзюпери)



# Ота-оналар клуби – қўллаб-қувватлаш, тажриба ҳамда билим алмашиш маскани



Оила инсон ҳаётининг узвий ажралмас бўлаги ҳисобланиб, инсон даставвал шу ерда вояга етади, тарбияланади, сўнгра ўз фарзандларини ҳам унда тарбиялайди. Айнан оилада инсоннинг ҳаёт тажрибаси ортади; руҳий соғломлиги, маънавий қадриятлари, эҳтиёжлари, қизиқишлари, эҳтиёжлари

шаклланади; ижтимоий тартиб-интизом ҳамда урф-одатлар унинг онгига синдирилади. Асосан, оиладаги ўзаро муносабатлар боланинг келажақда қандай ривожланишини белгилайди.

Ўз фарзандини бошқа болалардан фарқли тарзда ривожланишини қабул қилиш, ўзи орзу қилгандек вояга етмаслигига кўникиш жуда ҳам

қийин. Фарзанди соғлиғидаги муаммоларни бартараф этиш ва унга ғамхўрлик қилишдан ташқари кундалик ҳаётда ота-оналар сабр-матонат, кучли қатъият, ирода билан енгадиган қийинчиликлар ҳам мавжуддир. Алоҳида эҳтиёжли фарзанди бор барча ота-оналар ҳам ўз вазифаларини тўлақонли бажара олишмоқдами? Биламизки, барча оилаларда бу вазифалар кўнгилдагидек амалга оширилмайди. Алоҳида эҳтиёжли



Ота-оналар клубида алоҳидва эҳтиёжли фарзанди бор оилалар психологик ёрдам олишади, мана шундай фарзандни вояга етказиш жараёнидаги ўз тажрибасини ўзга ота-оналар билан солиштириб, маслаҳатлашиш орқали янги билимга эга бўлишади.

фарзандни парвариш қилиш, тарбиялаш ва таълим беришга оид етарли даражада билимларнинг етмаслиги туфайли ота-оналар ўғил ёки қизи билан муносабат ўрнатилишида ўзларини ожиз ҳис қиладилар, оилада самарали мулоқот ўрнатишда қийналишади. Оқибатда эса, оиладаги муносабатларга дарз кетади, ота-оналар руҳан чарчаб, серзарда бўлиб қолишади, бундан эса

ҳар иккала турмуш ўртоғи ҳамда ўртадаги фарзанд азият чекади.

Аксига олиб атрофдаги инсонлар ҳам, нафақат алоҳида таълимий эҳтиёжли болаларнинг ўзларига, балки қариндошларига ҳам самимий муносабатда бўлишмайди. Шу сабабли алоҳида таълимий эҳтиёжи бор болалар ва уларнинг яқинларининг муамоларини тушунадиган ҳамда

уларни муҳокама қилмай, аксинча, қўллаб-қувватлайдиган инсонларни топиш шарт.

**Ота-оналар клубида иштирок этишнинг муҳим тамойили ихтиёрийликдир.** Ота-оналар клуби турфа хил – анъанавий ва ноанъанавий шаклда фаолият олиб боришга ҳаракат қилиб, фаолият доирасига суҳбат, тренинг, маъруза, ижодий жараён, ролли ўйинлар сингари машғулотлар қиради.



## КЛУБНИНГ МАҚСАДЛАРИ:

1. Алоҳида эҳтиёжли фарзанди бор ота-оналарга зарур билим бериш ҳамда кўникмаларини шакллантириш орқали ота-оналарга амалий психологик-педагогик ёрдам кўрсатиш;
2. Ўз фарзандини парваришлаш, тарбия қилиш ва таълим бериш юзасидан тажриба алмашинишига имконият яратиш бериш;
3. Норасмий шароитда ишончли мулоқот яратиш учун қулай психологик муҳитни вужудга келтириш;
4. Ота-оналик масъулиятини онгли тарзда ҳис этиш ғояларига асосланган оилалар ҳамжамиятини шакллантириш.

**Фарзандларига таълим бериш, уларни ривожлантириш, парваришлашга оид бир қатор тавсияномаларни олиш билан бир қаторда отаоналар қуйидаги муҳим масалаларни ҳал этишда иштирок этишиб, ихтисослашган ёрдам оладилар ва қўллаб-қувватландилар:**

- Инклюзив жамият қадриятлари тўғрисидаги тушунчалари етарли даражада шаклланмаган атроф-муҳитдаги баъзи инсонлар билан жамиятда тўғри алоқа ўрнатиш – «алоҳида тоифадаги фарзандлари»га нисбатан ноҳўя ҳатти-ҳаракатлари, муомала, ўринсиз «ҳамдардлик» ҳамда ўта қизиқувчанликдан ўзлари ва фарзандларини ҳимоя қилишга ўргатилади;
- Болага соғлом болаларга нисбатан нега жисмоний имконияти чекланганлиги ва инсонлар билан тўғри муносабат ўрнатиши учун нима қилиши кераклиги тўғрисидаги тушунча бериш йўл-йўриғи кўрсатилади;
- Ҳаётда олинган руҳий зарбаларни бартараф этиб, асаб тизими ва руҳиятдаги психологик барқарор мувозанатни тиклаш орқали келажақдаги ишлар учун режалар тўзиш, ҳаётдан яна завқлана олишга ёрдам кўрсатилади.



**Сиз ёлғиз эмассиз!**

Ўзбекистонниг беш етакчи ҳудудидаги  
Ота-оналар клуби тармоғига қўшилинг!

## Лойиҳа раҳбари Самарқанд шаҳридаги Ота-оналар клуби аъзолари билан учрашди



2016 йил 5 август куни лойиҳа ходимлари ҳамда Самарқанд шаҳридаги алоҳида эҳтиёжга эга болаларнинг Ота-оналар клуби аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашув ота-оналарга маслаҳат бериш, кўмак кўрсат иш, ҳамда лойиҳа фаолияти доирасида алоҳида эҳтиёжга эга фарзандларининг умумтаълим пилот мактабларда биринчи инклюзив ўқув йили якуни бўйича эришилган ютуқлар билан танишиш мақсадида ташкил этилган. Учрашув давомида ота-оналар ўзлари

қизиқтирган саволлар билан экспертларга мурожаат қилиб, керакли жавобларни олишга муяссар бўлдилар, ҳамда лойиҳанинг барқарорлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар режаси билан танишдилар. Учрашув норасмий, дўстона руҳда ўтди.



Лойиҳа раҳбари Стефани Алишаускене таъкидлашича, «Алоҳида эҳтиёжга эга болаларнинг ота-оналари билан ҳамкорлик ва шериклик, дўстлик ва ишончга асосланган муносабатларни ўрнамасдан туриб, иш олиб бўлмайди. Ушбу жараёнда Ота-оналар клубининг ўрни жуда ҳам муҳимдир. Клуб –

тажриба ва билим алмашиш, умумий масалаларни ҳал қилиш учун самарали платформа ҳисобланади. Оила муаммоларни ва ресурсларни тушуниш, ота-оналарга қандай ёрдам кўрсатиш кераклиги ҳақида тасаввурга эга бўлиш – лойиҳанинг муҳим қисмлардан биридир. Ота-оналар билан ишлаш анъанавий шакллардан ташқари, лойиҳа томонидан алоҳида эҳтиёжга эга болаларни парвариш ва тарбиялаш билан машғул бўлган ота-оналар учун бир қатор қоидалар таклиф этилади. Лойиҳа экспертларининг фикрича, қанча кўп ота-оналар ушбу қоидаларга риоя қилса, шунча кўп фарзанд ўсаётган оиланинг ҳаёти уйғунлашиб боради.





# Алоҳида эҳтиёжга эга болани тарбияланаётган ота-она учун 15 қоида



1. Фарзандингиз бошқалардан фарқли эканлигига асло ачинманг.
2. Фарзандингизга ўз мухаббат ва эътиборингизни беринг, аммо бошқа оила аъзолари ҳам бунга муҳтожлигини унутманг.
3. Турмуш тарзингизни шундай тартибга солингки, унда ҳеч ким ўзини «қурбон» сифатида ҳис қилмаслиги ва ўз шахсий ҳаётидан воз кечмаслиги лозим.
4. Фарзандингизни мажбуриятлардан ва қийинчиликлардан ҳимоя қилманг. Масалаларни биргаликда ҳал қилинг.
5. Болангизга ҳаракатлари ва қарор қабул қилиш мустақиллигини беринг.
6. Ўз кўринишингиз ва хатти-ҳаракатларингизни кўзатиб боринг. Болангиз сиздан ғурурланиши керак.
7. Боланинг даъвоси ҳаддан ошса, унга рад жавоб беришни асло қўрқманг.
8. Фарзандингиз билан кўпроқ гаплашиб туринг. Шунинг эса тутингки, радио, телевизор ўрнингизни боса олмайди.
9. Тенгдошлари билан мулоқот қилишга чеklang куйманг.
10. Дўстларингиз билан учрашишдан бош торманг, уларни меҳмонга чақиринг.
11. Педагог ва психологлар маслаҳатига кўпроқ қулоқ солинг.
12. Кўпроқ китоб ўқинг, нафақат махсус, балки бадий адабиётни ҳам.
13. Алоҳида эҳтиёжга эга бўлган оилалар билан мулоқотда булинг. Таҷриба алмашинг, янги билим олинг.
14. Ўзингизни кўп айбланманг. Оилангизда алоҳида эҳтиёжга эга бола тўғилганлигига сизнинг айбингиз йук.
15. Бир кун келиб, фарзандингиз улғаяди ва мустақил ҳаёт кечириш лозим бўлади. Уни келгуси ҳаётга тайёрланг, у ҳақида гаплашиб туринг.

Агарда гул гулламаса,  
биз гулнинг ўзини  
тузатмаймиз, **балки**  
**унинг гуллаши ва**  
**ўсиши учун шароит**  
**яратишимиз керак**



## Клуб фаолиятига бағишланган тақдимот билан Тошкентда бўлиб ўтган якуний конференцияда Клуб раҳбари – Рахматуллаева Рохат сўзга чиқди



Лойиҳа доирасида биз Ота-оналар клубини ташкил қилдик. Учрашувларимиз самимий суҳбат, қўшма тадбирлар, бир пиёла чой устида ўтмоқда. Учрашувларимиз чоғида биз ўз тажрибамиз, ҳаёт кечмишлари ҳақида гаплашамиз, ҳамда янги билим оламиз. Кўпинча ота-оналар учун уларнинг муаммоларни тушуна оладиган инсонларни топиш жуда ҳам муҳимдир. Уларга руҳий кўмак керак. Учрашувларимизда инклюзив жамият қадриятлари ҳали шакллантирилмаган атроф-муҳит билан қандай мулоқот ўрнатиш кераклиги, фарзандни ва оилани бошқаларнинг беандишалиқдан ҳимоя қилиш ҳақида суҳбатлар уюштирамиз.

Алоҳида эҳтиёжли болаларнинг ота-оналари томонидан фарзандига унинг бошқа одамлардан жисмоний фарқлигини қандай қилиб тушунтириш мумкинлиги ҳақида тез-тез саволлар берилади. Тенгдошлари билан мулоқот ўрнатишда қандай кўмак бериш мумкин. Клубимизнинг эшиклари доимо ҳамма учун очиқдир. Алоҳида эҳтиёжга эга бўлмаган болаларнинг ота-оналари ҳам келиб туради. Улар кўп ҳолларда инклюзив таълимга шубҳа ва эҳтиёткорлик билан қарашади. Саволлари эса бир хил: **Алоҳида эҳтиёжга эга болалар билан биргаликда бўлиш оддий болаларга салбий таъсир қилмайдими?**

Болангиз улғаяди, у ҳар хил болалар ва катта одамлар билан учрашади, шунинг учун у мулоқот ўрнатиш йўлларини билиш керак. Боғчани ёки мактабни тугагандан сўнг, у нафақат бошланғич билимларни, балки ижтимоий ва одамлар билан мулоқотда бўлиш кўникмаларга эга бўлиши керак. Алоҳида эҳтиёжга эга болаларнинг сони кўпаймоқда, шунинг учун улар ҳар бир мактабда энди учратилиши мумкин.

Тақдимотимни Сократ сўзлари билан якунламоқчи эдим: **«Ҳар бир инсоннинг дилида қўёш бор. Фақатгина унинг нур сочишига имконият беринг».**

Ўйлайманки, бизнинг умумий мақсадимиз – қўёшчаларимиз нур сочиши учун шароит яратишдадир. Эътиборингиз учун раҳмат!

### Маълумот учун:

Самарқанд шаҳридаги Ота-оналар клуби 2005 йилдан буён, алоҳида эҳтиёжга эга боланинг онаси Рахматуллаева Рохат бошчилигида фаолият кўрсатмоқда. Бошланғич босқичда – клуб норасмий шаклда фаолият кўрсатиб, 2014 йилдан бошлаб, «Ўзбекистонда алоҳида эҳтиёжли болалар учун инклюзив таълим» лойиҳаси кўмаги билан Ота-оналар клуби аниқ мазмунга, тадбирлар ва натижалар режасига эга бўлди. Ҳозирги кунда Ота-оналар клуби алоҳида эҳтиёжга эга болаларнинг умутаълим боғча ёки мактабларда таълим олишлари учун ёрдам бермоқда.



## Урганч шаҳридаги «Умид» Ота-оналар клубининг муваффақиятлари

(Тошкентда якуний конференцияда Ота-оналар клуби раисининг нутқи)

« – Боланинг ривожланиши учун асос солинадиган қадр-қимматлар, тушунчалар, бошқа одамларга бўлган ҳистуйғулар шакллантириш учун нодир шарт-шароитлар айнан оилада яратилади».

Ассалому алайкум, ҳурматли ҳамкасблар, меҳмонлар. Менинг исмим – Ибрагимова Муяссар Қурбоновна, мен Урганч шаҳридаги «Умид» ота-оналар клубининг раисиман. 35 йилдан ошиқ №10 мактабда математика ўқитувчиси сифатида фаолият кўрсатганман, ҳозирги пайтда эса нафақаданман, ва наваларнинг тарбияси билан машғулман.

«Ўзбекистонда алоҳида эҳтиёжли болалар учун инклюзив таълим» лойиҳаси кўмаги билан Ота-оналар клубларни яратиш зарурлиги – бу теорема эмас, балки аксиомадир.

**Ота-оналар клуби – бу боланинг махсус тарбиясига тегишли керакли миқдорда билим олиш, психологик ёрдам, таълим-тарбия жараёнининг барча иштирокчиларни, ота-оналарни, ўқитувчиларни, болаларни дўстона руҳида уюштириш каби қўллаб-қувватлаш ишларидан иборатдир.**

Инклюзив таълимнинг мақсад ва вазифаларни яхши тушуна оладиган инсонлар, айниқса алоҳида эҳтиёжли болалар учун бундай таълим ташкил қилиш зарурлигини ўз қалби



билан ҳис қилаётганлар Ўрганч шаҳрида «Умид» ота-оналар клубини яратилишига катта ишонч ва умид билан қабул қилганлар. Айнан алоҳида эҳтиёжли болалар учун таълим – бу, энг биринчи навбатда, касб танлаш ва ўзлари бир қисми бўлмиш жамиятда ижтимоий мослашув кўникмаларига эга бўлишни англатади.

**Ота-оналар клуби – бу таълим-тарбия жараёнга жалб қилинган мутахассисларнинг, яъни ўқитувчилар, синф раҳбарлари, психолог, ижтимоий педагог, согликни саклаш ходимлари, ТППК ва ПТПК комиссия аъзолари, мактаб маъмурияти, ва, албатта, ота-оналардан иборат жамоанинг келишилган ҳолда фаолиятдир!**

Ота-оналар клуби 2-015 йил сентябр ойидан ўз фаолияти-

ни бошлаган бўлиб, ҳозирги кунда аъзоларнинг сони 90дан оиладан ортиқдир. Клубни яратиш учун ҳеч қандай қарор ёки фармойишлар бўлмаган, аксинча, умумий муаммоларга ва турли хил эришувларга эга ота-оналар ва болаларни бирлаштирадиган катта оила дунёга келди. Лойиҳанинг Ресурс марказига ота-оналар мурожаат қилиб, ўз қалбларида йиллаб йиғилган саволларга жавоб топганлар, ўз ҳаётларини ҳикоя қилганлар ва маслаҳат олганлар.

**Клубимизнинг асосий мақсади – тарбиячилар ва ўқитувчиларнинг фаол иштирокида ота-оналарда махсус таълим ва психологик-тарбиявий кўникмаларини яхшилаш орқали алоҳида эҳтиёжга эга бўлган боланинг оилада ёки таълим муассасасида баркамол**



ривожланиши учун қулай шароитлар яратишдан иборатдир.

Алоҳида эҳтиёжли болага тарбия кўрсатадиган оилаларга ёрдам кўрсат шнинг энг самарали йўлларида бири – Ота-оналар клубидир. «Умид» Ота-оналар клуби ўз олдига қуйидаги мақсадларни қўйган:

- Ота-оналарда ўз болага адекват муносабатда бўлиш ва уни қабул қилишни шакллантириш: «касаллик» тушунчасидан ўзоклашиш ва «боланинг ривожда махсус қонунлар» тушунчасига ўтишга ҳаракат қилиш муҳим аҳамиятга эга;
- Боланинг шахсий, ижодий ва ижтимоий захираларни максимал ҳолда очиб бериш учун оилада қулай микроклимат

шакллантириш;

- Ота-оналар ва боғчалар, мактаблар ўртасида ҳамкорликни ўрнатиш, сифатли таълим олиш, тажриба алмашиш ва бойитиш;
- Ота-оналарнинг шахсий ва ижтимоий ривожланиш, ижтимоий фаоллик кўникмаларни ва конструктив хулқ-атворни шакллантириш.

Бугунги кунга қадар «Умид» клуби катта иш олиб борган, яъни ота-оналарнинг саводхонлиги ва дунёқараши кенгайди, инклюзив таълим, унинг ҳуқуқий асослари, шаклланиши, болаларнинг муаммолари ҳақида катта ҳажмда маълумотга эга бўлдилар, кўп

ота-оналар кўзатув кундалигини тутиш, боланинг кучли ва заиф томонларига аҳамият беришга ўргандилар. 15га яқин энг фаол ота-оналар инклюзив таълим бўйича тренинг машғулотларда қатнашган. Хоразм вилояти таълим ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти психологлари Салаева Навбахор, Бекчонов Хусинбой ва Собиров Комилжон томонидан ўтказилган бир қатор семинарлар натижасида ота-оналарнинг болани парвариш, тарбиялаш ва диагностика қилиш ҳақида билимлар ошди. **Клубимизнинг асосий функциялар қуйидагича:**

- Ота-оналарда алоҳида таълим эҳтиёжига эга боланинг шахсиятини ижобий қабул қилишни шакллантириш;
- Алоҳида эҳтиёжга эга болага нисбатан ота-





**оналарнинг тарбиявий вазибаларга ёндашувини кенгайтириш;**

- **Бола шахсиятини тўғирлаш учун зарур бўлган тарбия техникалари ва ота-она ва бола ўртасидаги муносабатларнинг самарали усуллари билан ота-оналарни таништириш;**
- **Мактаб мутахассислари билан мулоқот ўрнатишга ва «Умид» клуби учрашувларига қизиқиш ва истагини уйғотиш;**
- **Жамият билан алоқаларни кенгайтириш, ўхшаш муаммоларга эга бошқа ота-оналар билан мулоқот ўрнатишга имконият яратиш.**

Бизнинг ижтимоий ҳамкорлардан бири – Олимпия захиралари коллежи, «Соғлом авлод учун жамғармаси», Ургенч шаҳридаги Марказий поликлиника, «Миллий тикланиш» Ўзбекистон демократик партияси, Ўрганч шаҳар касаба уюшмаси бўлими, Футбол бўйича мактаб-интернат, «Камолот» ЁИХ, Ўрганч давлат университети. Мен ушбу бефарқ одамларни болаларга ғамхурлик кўрсатиш ва инклюзив таълим ривожланишига қўшган ҳиссалари учун миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. Биз ота-оналарни эмас, балки ота-оналар ўзлари кўп нарсалар ҳақида билимга эга

бўдилар. Яъни кўп оилаларда олдин муаммо бўлган вақт масаласига келсак, ҳозир ота-оналар болага кўпроқ вақт ажратишга ўргандилар. Ҳар чоршанба куни Олимпия захиралари колледжидида Сабохат Бекчонов ва Илмира Собирова томонидан гимнастика бўйича машқлар ўтказилмоқда. Машқлардан кейин эса ота-оналар фарзандларининг муваффақиятлари ҳақида баён этиш, тажриба алмашиш ва хулоса чиқариш мақсадида клубда қоладилар. Ота-оналар томонидан катта ва кичик моторика, ижтимоий мослашув ва ҳоказолар каби махсус атамаларни тушунишлари ва уларни амалда ишлатишлари одамни қувонтиради. Ҳар шанба куни хореография бўйича ота-оналар ва болалар учун машқлар ўтказилади. Фарзандлар шодиёна руҳда рақсга тушишлари, албатта, ота-оналарни қувонтиради. Олиднги пайтларда бу болалар мусиқа товушидан қулоқларни ёпиб, инжиқ болалар эди, ҳозир эса коллежнинг биринчи курс талабаси Кобулова Осуда раҳбарлигида барча ҳаракатларни такрорлайдилар. Ўйлайманки, бундай дақиқаларда болаларимиз қайтдан дунегга келиб, ўз ҳаракатларига ишонч билан қарайдилар. Сешанба ва пайшанба кунлари эса Алибекова

Динара махсус педагог ва шахмат мактабини олиб боради. Болаларимиз яшайдиган оилалар янада мустаҳкам бўлдилар. Бир онанинг таъкидлашича – «отамиз олдин ҳеч қачон боласи билан кўчага сайр қилишга чиқмас эди, энди эса – Мен ўзим уни



машғулотларга олиб бораман». Бунинг ўзи – ғалаба эмасми? Кўп оилаларда бола хоналарида қум даволаш бурчагини, эртак терапияси ва сенсор бурчакларини ташкил қилинди. Ота-оналар клуби эришувларидан бири – болалар тарбия олаётган боғча ва мактаблар билан доимий алоқадир. Ушбу муассасаларнинг мутахассислари, яъни тарбиячилар, психолог, логопедлари билан ҳамкорлик ўрнатилган. Бундан ташқари, ота-оналар болалар учун индивидуал таълим олиш



режаларини тузиш жараёнида фаол қатнашмоқда.

Кўпчилик ота-оналар бир-бирининг исми шарифларини, болаларини, муаммоларни ва кечмишлари ҳақида хабардордир. Агарда уларнинг умумий фаолиятига доир китоб ёки мақола учратишса, доимо бир-бири билан маъ-

бўлмасин, ўқувчиларсиз яшай олмайдилар. Балки шунинг учундир, нафақада бўлсам ҳам, аммо кўчада эҳтиёжли болаларни учратсам, онаси билан қандай қилиб суҳбат қуриш, унинг муаммолари ҳақида суриштириб, унга қандай қилиб кўмак кўрсатиш мумкин деб ўйлайман. Маса-

лан, уйим атрофида истиқомат қилаётган Азизбек. Уч кун мобайнида ўйладим, ниҳоят, унинг уйига кириб, онаси билан гаплашишга қарор қилдим. Ҳозир онаси жуда ҳам хурсанд, чунки Азизбекнинг орзуси амалга ошди, у энди астойдил спорт билан шуғулланмоқда, ўзининг паралимпиада бўйича тренери билан сузиш бўйича чемпионатга тайёргарлик кўрмоқда, бундан



лумот алмашишади. Улар ўз болаларнинг ютуқлари билан фахрланадилар, бир-бирига опа-сингилдек, яъни бир оила бўлиб қолишган Ота-оналар кўп ҳолларда ташаббус кўрсатиб, жорий лойиҳаларни яхшилаш йўлида янги тадбирларни ўтказиш борасида таклифлар киритади.

Клубимизнинг бир мақсади бор – бу ННТ очиш ва тажрибамизга асосланиб, Хоразм вилояти ота-оналари билан иш бошлаш учун фаолиятимизни янада кенгайтиришдир. Хулоса қилиб айтганда, ўқитувчилар, қай ёшда

ташқари эса рақс ва шахмат билан шуғулланмоқда. Бугун, бундай катта ва жиддий аудитория олдида тақдимот қилар эканман, лойиҳа доирасида ва ота-оналар клубида 1,5 йилдан буён фаолият кўрсатиб ва айрим бир тажриба ва кўникмалар қўлга киритиб, бизнинг ўқитувчиларимиз ёрдамида шакллантирилган эътиқодларимиз ишонч билан қуйидагича деб айтишимиз мумкин:

- Ҳар бир бола ўқиш қобилиятига эга ва албатта ўқийди;

- Ҳамкорлик ва ижтимоий ҳамкорлик ўзаро тушунишга кўмак беради;
- Муваффақиятимиз сайи-ҳаракатлирмизга боғлиқ;
- Ўзгаришлар – янги имкониятлардир;
- Яхши муносабатлар – катта кучдир!

Менимча, дунёмиз – бу «Болалик» номли эртақ мамлакати ва унинг ҳар бир киши ота-оналардан ва фарзандлардан иборатдир.

Қандай тадбирларни ўтказишдан қатъий назар, қандай лойиҳаларни ташкил этмайлик, бизнинг энг буюк мақсадими ягона – болаларни тарбиялаш, уларга сифатли таълим-тарбия бериш, уларнинг имкониятларига тўғри келадиган ижтимоий кўникмалар ва касб-хунарни аниқлашга ёрдам кўрсатишдир.

Болаларга ҳаётдаги ўрнини топиш, ота-оналарга эса сабртоқат ва мақсадга эришиш ишончни ривожлантиришга ёрдам беришдадир. Биз, ота-оналар, инклюзив таълимнинг тўғрилигига ва зарурлигига ишонамиз, биз уни қалбимиз билан ҳис қилдик, фарзандларимиз ютуқларини ва муваффақиятларини амалда кўришга муяссар бўлдик. Айнан шу мақсадда Ўзбекистонда инклюзив таълим келажаги учун, унинг ривожини ва барқарорлигини бор кучимизни сарфлаб ҳаракат қилишимиз керак, чунки бу жараён бутун жамиятимиз учун керакдир.

развивалось и укреплялось, так как необходимо всему обществу.



## Оила билан кўриш учун фильм

«Taare Zameen Par» (Ер юзидаги юлдўзлар) – бу фильм экспертларимиз томонидан таълим тизимига инклюзив кўникма ва тажрибаларни тадбик этиш ўқув семинарларда ва тренингларда намоён қилинадиган фильмдир. Шунини айтиб ўтиш жоизки, ушбу фильмни кўрганингиздан кейин кўзингизда ёш пайдо бўлиши, болалар дунёсига, тарбия ва таълим бериш масалаларга қарашларингиз тубдан ўзгариши шубҳасиз. Ушбу фильм ота-оналарга, болаларга, ва таълим тизимига жалб қилинган мутахассисларга оила даврасида кўришга тавсия этилади.

8-ёшар Ишан Авасти исмли ўғил бола тўғилгандан бери бошқа болалардан фарқ қилади. Барча болалар энгиллик билан қабул қилинадиган нарсалар, Ишан учун мураккабдир. Атрофдагилардан ҳеч ким уни тушуна олмайди, ҳаттоки ота-онаси ҳам.

Афсуски, ота-оналар, энг яқин инсонлар бўлишига қарамасдан, шахсий орзуларга, атрофдагиларнинг фикрларига ҳидоят қилиб, ўз боласини эши-

тиб, унинг чуқур сабабларини тушунишни хоҳламайдилар. Мактабда Ишан имтиҳонларни топшира олмайди, ва учинчи ўринидан кейин, унинг отаси уни махсус мактабга жойлаштиради. Ишан ёлғизликда қололмайди, ота-оналар билан айрилиш сабабини ўзида айб қилиб топади, аммо уларни ҳам кечира олмайди. Аммо бир кун Ишаннинг ҳаётида Рам Никум исмли рассом-ўқитувчи пайдо бўлади – бу болани тушуна оладиган

ягона инсондир. Ўқитувчи ўз олдига «Боланинг ҳаётини ва унга бўлган муносабатни ўзгартириш» мақсад қилиб қуяди. Фильм дислексиядан азоб чекаётган ўғил бола, таълим тизимининг номукамаллиги ҳақида хикоя қилади. Бу фильм – сиз ҳали билмаган инклюзив таълим томонларини акс эттиради. Оилангиз даврасида кўринг. Афсусланмасликка кафолат берамиз.





**ЛОЙИХАМИЗ ЖАМОАСИ**  
(МИЛЛИЙ ВА ҲАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАРИ)

**ЛОЙИХАНИНГ БОШ БЕНЕФИЦИАРИ**

Василя Алимova Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази (РБИММ)нинг раҳбари

**Лойиха офиси**

Стефания Алишаускиене Лойиха раҳбари  
Мудите Рейгасе Инклюзив таълим бўйича эксперт  
Ребекка Олевская Лойиха мувофиқлаштирувчиси  
Диляра Юсупова  
Роза Исхакова Коммуникация бўйича менеджерлар  
Юрий Саруханян

**Миллий экспертлар**

Лола Муминова ТППК ва ўқув модуллари бўйича эксперт  
Юлдузхон Умарбекова Ҳуқуқий масалалар бўйича эксперт  
Наргиза Аликулова Коммуникация ва оммани хабардорлигини ошириш бўйича эксперт  
Закир Мавлянов Интернет-портални бошқариш бўйича эксперт  
Диляра Юсупова Таъсирни баҳолаш бўйича эксперт  
Шерзодбек Шарипов Маълумотларни тўплаш, сақлаш ва фойдаланиш методикаси ва механизми масалалари бўйича эксперт  
Малика Холматова Ҳуқуқий масалалар бўйича эксперт  
Гульнора Бурханова Ўқув модуллари ва тренинглари бўйича эксперт

**ХУДУДИЙ ЭКСПЕРТЛАР**

Дильдора Туляганова Тошкент  
Максуда Мухсинбаева Наманган  
Махмуда Наматова Самарқанд  
Рано Халилова Хоразм  
Ильмира Кабулова Сурхондарё  
Ихтиер Темиров

**ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР**

Юрген Беккер Лойиха раҳбари, сиёсий тизим бўйича халқаро эксперт  
Регина Сабалаяускиене Тренинглари ва сиёсий тизим бўйича халқаро эксперт  
Мэтью Гриффитс Тренинг, баҳолаш ва ота-оналар бўйича халқаро эксперт  
Катя Манзюк Ҳуқуқий масалалар бўйича халқаро эксперт  
Елена Вахокопус Ўқитиш усуллари ва сифати бўйича халқаро эксперт  
Кристина Йовановска Маълумотларни тўплаш, сақлаш ва фойдаланиш методикаси ва механизми масалалари бўйича халқаро эксперт





## Лойиҳа экспертларнинг тилаклари

### Лойиҳа раҳбари – Стефания Алишаускене

Мен лойиҳада март ойининг 2014 йилдан бери инклюзив таълим бўйича Бош эксперт сифатида иш бошлаганман, энди эса Лойиҳа раҳбари сифатида фаолият кўрсатмоқдаман.

Мен Ўзбекистондаги инклюзив таълим манбаалари ҳақида маълумотга эга бўлдим, ва бошқа миллий ва халқаро ҳамкорлар билан барча болалар учун сифатли таълимни янада ривожлантиришга ҳисса қўшдим. Лойиҳада биз ягона фикрга келишдик: мактабда боланинг ташхиси ёки касаллиги эмас, балки унинг мактабдаги ва таълим эҳтиёжлари энг катта аҳамиятга эгадир.

Инклюзив таълимни тадбиқ этиш учун мактаб ҳар бир бола учун очиқ ва мавжуд бўлиш керак, ҳар хил имкониятга эга болалар биргаликда ўқишлари, яъни ўқиш фаолияти билан ўз тенгдошлари билан шуғулланишлари, мактаб ҳаётида фаол қатнашишлари, ўзларини жамият вақили сифатида ҳис қилишлари керакдир. Шунинг учун умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасалари доимий ёрдамга ва маслаҳатга муҳтождир – бу эса нафақат бир маротабалик ўқув курслари, балки инклюзив



бўлиш мақсадда ходимларга ва бошқа жалб қилинган ҳамкорларга турли хил кўникмаларни, мотивация ва ишонч-ни ривожлантиришга йуналтирилган доимий ва мунтазам равишда кўрсат аетган кўмақдир. Инклюзив таълимни тадбиқ этилиши билан ушбу ёрдам турли хил усуллар, масалан Ресурс марказлар орқали амалга оширилиши мумкин.

Лойиҳа доирасида бешта пилот ҳудудларда бешта Ресурс марказларига асос солинган бўлиб, ҳозирги кунда улар муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Ишонамизки, ушбу Ресурс марказлари, пилот мактаблари, боғчалардан яратилган тармок янада кенгайди ва келажақда муваффақиятли фаолият кўрсатади.

Лойиҳанинг яна бир ютуқлардан бири – бу бири билан маълумот, билим ва тажбира алмашган, ҳамда инклюзив таълимни ривожлантириш йўлида умумий муваффақиятга эришган мутахассислар ва экспертлар жамоасидир. Мен барча миллий ҳамкорларимизга, ўқитувчиларга, ота-оналарга, болаларга ва инклюзив таълим масалаларини ечишга жалб қилинган ходимларга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Келгусида ҳам омад сизларга ёр булсин!

### Мудите Рейгесе – Инклюзив таълим бўйича эксперт

Мен лойиҳага 2015 йил июн ойида кирдим, бу даврда эса лойиҳа фаол босқичида эди. Асосий вазифаларимдан бири – ўқитувчиланир ва ТППК/ПТПК аъзоларини тайёрлашни ташкил қилиш ва таъминлаш билан, ҳамда пилот мактаблар, болалар боғчалари, Ресурс марказлари, ва, албатта, ота-оналарни доимий равишда қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ тадбирларни давом эттиришдан иборат эди.

Боланинг таълим олиш эҳтиёжларини баҳолаш бўйича гуруҳ аъзоси ва ўқитувчи сифатида мактабларга ва боғчаларга бўлган ташрифлар, ўқитувчилар ва ота-оналар билан мулоқот – энг қизиқарли ва ҳаяжонли давр эди.

Лойиҳа доирасида менинг фаолиятим шахсий ва профессионал нуқтаи назардан жуда ҳам қизиқарли эди. Мен барча пилот минтақаларда жуда ҳам кўп ажойиб инсонларни учратдим. Мен алоҳида эҳтиёжли болалар иштирокида дарслар



ва тадбирларни кўзатишга, уларнинг ота-оналари, бобо ва бувилари билан учрашишга муяссар бўлдим, ўйлайманки, алоҳида эҳтиёжга эга болаларнинг бир қатор жуда ҳам тахликали оила аъзоларини тинчлантиришга муваффақ бўлдим.

ТППК/ПТПК аъзоларни ва ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнида ва пилот мактабларга ва боғчаларга ташрифларим доирасида Ўзбекистондаги ҳамкасбларим билан инклюзив таълимда бўлган тажрибамни алмашишга муяссар бўлганимни тушуниш, жуда ҳам яхши ҳислар уйғотади.

Таълимдан қатнашаётган барча инсонлар учун тилагим шуки, алоҳида эҳтиёжлар ҳар доим, ҳар даврларда мавжуд эди, мавжуд ва келгусида ҳам мавжуд бўлади, вы шуни ҳар доим эсда тутиш зарур. Албатта, оила учун бу фожиа бўлиш мумкин, аммо ҳар қандай жамият учун бу табиий хол. Биз ушбу вазиятда қандай йўл тутишимиз – жамиятимизнинг тараккиетини ва етуқлигини намоён қилади.



## Лойиҳа экспертларнинг тилаклари

### Региона Сабаляускене – Тренинглар ва сиёсий тизим бўйича эксперт

Лойиҳада мен тренинглар ва сиёсий тизим бўйича эксперт сифатида иштирок этганман, инклюзив таълим бўйича ўзок муддатли миллий стратегиясини, тарбиячилар, ўқитувчилар учун ўқув қўлланмаларни ишлаб чиқишда ўз ҳиссамни қўшганман, ТППК ва ПТПК аъзолари, ўқитувчилар, директорлар, педагог кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш муассасалари ўқитувчилари учун тренинглар ўтказганман. Лойиҳа доирасида икки йил мобайнида Ўзбекистоннинг бешта минтақасига ташриф буюришга, ва кўплаб ажойиб мутахассиларни учрашга муяссар бўлдим.

Биз инклюзив таълим ҳақида сўз юритганимизда, ушбу вазифа осон эмаслигини тушунамиз, ва уни амалга ошириш учун нафақат қонунчиликка, балки педагогларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дастурларига, таълим муассасаларнинг жисмоний муҳитига, ўқитувчилар томонидан қўлланилаётган усуллар қаторига жиддий



ўзгаришлар киритишни талаб қилади.

Энг муҳими ва мураккаб вазифа – бу инсонлар онгидаги ўзгаришларга эришишдир. Бутун жамиятнинг инклюзияси гоёларига риоя қилиш зарурдир. Таълим ҳар бир фарзанднинг индивидуал эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда кўрсатилиши, ҳар бир оила унинг фарзанди умумтаълим мактаб ёки боғчасида сифатли таълим олиш ҳуқуқига эканлиги каби эътиқодларга риоя қилиш керак.

Алоҳида таълим эҳтиёжларига эга болалар бошқа болалар каби севги-мухаббатга, ғамхурликка, хавфсизлик ҳиссига ва уларни парвариш қилаётган катталар билан ва ўз тенгдошлари билан мулоқот ўрнатиш орқали атроф-муҳитни ўрганиш имкониятга муҳтожлигини эсдан чикармаслик керак.

Мен Ўзбекистонда учратган барча мутахассисларга уларнинг мураккаб вазифасини амалга ошириш йўлида омад, ҳукумат, маъмурият ва ҳамкасблар томонидан доимий ёрдам, барча болаларнинг оналари томонидан тушуниш ва ўз ишининг натижаларидан роҳат кўришни тилаб колмоқчиаман.

### Муминова Лола Рахимовна – ТППК ва ўқув модулларининг эксперти, Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари

Лойиҳа шарофати билан мен катта тажрибага эга бўлдим: ота-оналар, ўқитувчилар билан маслаҳат, ва энг муҳими алоҳида таълим эҳтиёжига эга болаларни текширувдан ўтказиш, улар билан мулоқот қилиш. Ўз иштироким билан Ўзбекистонда инклюзив таълимни ривожига ўз ҳиссамни қўшдим, яъни бошчилигимда 3 методик қўлланма, Елена Михайловна ҳамкорликда келгуси олий ўқув юртларининг педагоглари учун ўқув модули ишлаб чиқилди. Бундан ташқари – бу тарбиячиларни, ўқитувчиларни, дефектолог мутахассисларни, ТППК аъзоларни ўқитиш, ёзги



семинар-мактаблар, пилот мактабларига ва боғчаларга ташрифлар, уларни кўзатиб бориш, инклюзив таълимнинг аҳамияти ҳақида кенг оммани хабардор қилиш, ҳалқаро анжуманларда (Душанбе, Минск, Ереван) иштирок этишдан иборатдир.

Лойиҳа якунидан кейин ҳам эришилган натижаларнинг барқарорлигини таъминлаш, барча компонентлар фаолият миқёсини кенгайтириш, қўшимча ресурсларни жалб қилиш борасида ўз фаолиятимни кўрсатмоқчиман. Мен лойиҳанинг барча иштирокчиларига раҳмат айтмоқчиман, ва бизнинг ҳалқаро экспертларимизга, яъни Юрген, Стефанияга соглик, келгуси ишларида омад тиламоқчиман, барчангизни яна заминимизда кўришга ҳурсанд буламиз!

### Ихтиёр Темиров – худудий эксперт, Сурхондарё вилояти

2011 йилдан бери Сурхондарё вилояти Ҳалқ таълими Бошқармасининг имконияти чекланган болаларни ўқитиш йўналишида ишлайман. Умид билди-



раманки, лойиҳа якунида ўз ҳиссамни қўшганим ҳолда алоҳида эҳтиёжга муҳтож болаларни жамият ҳаётида ўз ўринларини топишидаги интеграциялаш даражаси ортади, уларга нисбатан муносабат ўзгариб, ўз кўникмаларини ривожлантириш ва мактаб ҳаётидаги фаолияти ошади.



## Лойиҳа экспертларнинг тилаклари

**Шерзодбек Шарипов – маълумотларни тўплаш, сақлаш ва фойдаланиш методикаси ва механизми масалалари бўйича эксперт**  
Икки йил мобайнида мамлакатимизда амалга оширилган «Алоҳида эҳтиёжга эга болалар учун инклюзив таълим» лойиҳасига Муълумотлар базасини яратиш бўйича миллий эксперт сифатида бир неча фаолиятни юритишга имконият берилганлиги учун ўз миннатдорчилигимни изҳор этмоқчиман. Лойиҳа фаолияти доирасида, Ўзбекистонда бешта пилот минтақасида инклюзив таълим муассасаларида таълим олаётган алоҳида эҳтиёжга эга болалар ҳақида маълумотларни туплаш, уларни сақлаш бўйича тегишли механизмларни ишлаб чиқишқа муваффақ бўлдик. Буи ш бизга бешта тажриба-синов инклюзив муассасаларидаги болаларнинг алоҳида таълим эҳтиёжларини ўрганиб чиқишга имконият берди, ва таълимдаги болаларнинг имкониятлари ва эҳтиёжлари



ҳақида кенг миқёсдаги ахборот туплашга замин яратди.

Инклюзив таълим лойиҳасининг муваффақиятли амалиёти натижасида, мамлакатимизнинг алоҳида эҳтиёжга эга болалар учун ўз тенгдошлари ва дўстлар билан умумтаълим масканларда ўқиш имонияти пайдо бўлганига жуда ҳам хурсандман, бу эса лойиҳанинг асосий мақсад ва вазифаларга эришганлигига далолат беради. Мамлакатимизнинг барча болаларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, фаровонлик, ва энг муҳими Ватанимизнинг энг ақлли, бақувват ва бахтли инсонлар бўлиб етишига тилаб қоламан! Лойиҳанинг барча жамоа аъзоларини, миллий ва халқаро экспертларни, бенефициар ва ҳамкорларни лойиҳанинг муваффақиятли якуни билан табрикламоқчиман ва лойиҳани амлага ошириш жараенида яқин ҳакморлиги учун миннатдорчилигимни билдирмоқчиман.

**Ильмира Қобулова – ҳудудий эксперт, Хоразм вилояти**

Мен икки йил мобайнида лойиҳада фаолият кўрсатганимга ва Хоразмда инклюзив таълимни ривожига ҳисса қўшганимга жуда ҳам хурсандман ва бу билан фахрланаман. Жамоамиздаги ажойиб мутахассислар, ҳамкасблар ва ҳамкорлар билан ишлаш менга бир қатор ҳаётий билим, кўникма ва тажриба хавола этди. Бугун, оркага назар ташласак, мен педагог, тренер, раҳбар, мувофиқлаштирувчи сифатида ўз шахсий тараққиётимга гувоҳ бўламан. Мен инсонга учратган муаммоларга бошқача кўз билан қараш, уларни ҳал қилиш, алоҳида эҳтиёжга эга бўлган инсонлар учрайдиган қийинчиликларни кўриш ва тушуниш, уларга ердам бериш, ва ниҳоятда дунёга янги назар билан қарашга ўргандим.



Анча ижобий, янада марҳаматли, сабр-тоқатли, мулоқот ўрнатишга қобилиятли инсонга айландим ва жамоада ишлашга ўргандим. Энг муҳими – турли хил жабҳалардан ва менга керакли пайтда ёрдам кўрсата оладиган кўп дўстлар ва ҳамкорлар пайдо бўлди. Барча барчага раҳмат айтаман! Мени ургатганингиз, ҳаётимда қийин пайтларда мени қўллаб-қувватлаганингиз учун миннатдорман. Барча дўстларимга ва ҳамкасбларимга ижодий омадлар тилаб қоламан! Биринчи бўлиш – осон эмас, аммо бу жуда ҳам фахрли. Ишонаманки, лойиҳамиз жамоаси Ўзбекистон халқ таълими ривожланиш тарихига инклюзив таълимни ривожлантириш йўлида энг кўп ҳисса қўшган жамоа сифатида киради. Бизнинг меҳнатимиз эса керакли даражада баҳоланади ва эътирофга сазовор бўлади.



## Лойиҳа экспертларнинг тилаклари

### **Мақсуда Муҳсинбоева – худудий эксперт, Наманган вилояти**

Лойиҳага ишга кирганимда, инклюзив таълим ҳақида умуман маълумотга эга эмас ждим, аммо киска давр ичида нафақат инклюзиянинг магзини, балки бутун лойиҳа давомида мен шуғулланган вазифаларимни севиб қолишга муяссар бўлдим.

Кучли ва профессионал жамоада ишлаш, мамлакатимизнинг энг етук педагогларни билиш, энг яхши ҳалқаро тренерладан билим олиш, ва, албатта, болалар, уларнинг орзулари, интилишлари ва муҳаббати,



менинг шахсий ва профессионал ривожимга ҳисса қўшган. Ишончим комилки, ушбу даврни мен алоҳида бир илиқлик билан доимо эслаб тураман.

Фурсатдан фойдаланиб, мени қўллаб-қувватлаган ва лойиҳада қатнашган барча инсонларга миннатдорчилигимни изҳор этмоқчиман. Айтиб утиш керакки, бу – лойиҳа якуни эмас, балки инклюзив таълим сари энг бошланғич кадамлардан биридир. Ва ушбу бошланиш остонасида мен барчангизга соғлиқ, тинчлик ва фаровонлик тилаб қоламан! Дунёимизнинг барча болалари бахтли ва сеvimли бўлсин!

### **Махмуда Наматова – худудий эксперт, Наманган вилояти**

Мен кўп йилдан буён алоҳида эҳтиёжга эга болалар билан иш олиб боиришимга қарамасдан, «Ўзбекистонда инклюзив таълим» доирасида ўқув тренингларда қатнашуви менга бебаҳо таълим ва тажриба ҳадя қилди. Мен нафақат алоҳида эҳтиёжга эга болалар ва уларнинг ота-оналари билан ишлаш бўйича билимларни, балки педагоглар билан иш жараёнини тўғри ташкил қилиш, муаммоларни ҳал этиш ва стереотипларни бартараф этишни ўргандим.



Лойиҳа менга болаларимиз ўртасида кўплаб юсак ютуқларга эга иктидорли ва доно болаларни топишга имконият берди. Уларнинг куйган мақсадга интилиши, ҳаётга ва атрофдагиларга бўлган муносабати нафақат ўз тенгдошларини балки катталарни ҳам ҳаракатга ундайди. Ушбу жажжигина болакайлар умумтаълим мактабларга ва боғчаларга бориш, ҳамма қатори ўқиш, хакикий дўстларни топиш ва, энг муҳими, бошқаларни гамхурли ва интилувчан бўлишни ургатиш имкониятни қўлга киритганлигига бахтиёрман. Қизиқарли ва ажойиб лойиҳа учун раҳмат!

### **Рано Ҳалилова – худудий эксперт, Самарқанд**

Лойиҳада ишлаш мен учун, энг аввало, ўз-ўзимни амалга ошириш, чунки мен алоҳида эҳтиёжга эга инсонларнинг жамиятга мослашиш билан шуғулланаётган ННТга раҳбарлик қилмоқдаман. Ушбу лойиҳа орқали мен ҳаётда нима муҳим эканлигини, кўп ажойиб дўстларни топдим, мен алоҳида эҳтиёжли болаларни ва уларнинг ота-оналарини қўллаб-қувватлайдиган жамоанинг вакилига айландим. Менинг



ёрдамим билан Самарқанддаги ота-оналар клуби янада фаолроқ иш кўрсатишни бошлади, кўплаб шаҳардагилар унинг фаолияти ҳақида хабардор бўлдилар, ва бу – зўр омил деб, ўйлайман.

Лойиҳа менга танлов қилиш олдида қийинчилик ва шубҳада юрган инсонларни қўллаб-қувватлаш имкониятини берди. Ҳаммамиз инклюзив жамиятни ривожлантиришга ҳиссамизни қўшмоқдамиз, деб ҳис этаман! Инклюзив ҳаётимизни давом эттиришга ваъда берамиз!



## Лойиҳа экспертларнинг тилаклари

### **Дилдора Туляганова – худудий эксперт, Тошкент вилояти**

Маълумотим бўйича дефектологман. 1995 йилдан 2014 йилгача 4– сонли оммавий болалар боғчасида мудира бўлиб ишладим. 2010 йилдан ҳозирги кунгача нодавлат ўқув-коррекцион реалибитация марказининг директори-ман. 2009 йили Ғазалкент шаҳридаги 4



мактабгача таълим муассасасида соғлом болалар билан бир қаторда имконияти чекланган болалар таълим оладиган ва тарбияланадиган аралаш гуруҳ ташкил этдим. Ўйлайманки, алоҳида эҳтиёжга муҳтож болалар жамиятда оиладан ажралмаган ҳолда ўз ўринларини топишлари ва қизиқиш ҳамда имкониятларига кўра таълим олишлари керак.

### **Юлдўзхон Умарбекова – ҳуқуқий масалалар бўйича миллий эксперт**

Республика болалар ижтимоий мослашув маркази ходими сифатида лойиҳа бошланишиданоқ эксперт сифатида жалб қилинганман, чунки болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Марказимизнинг энг долзарб вазифаларидан биридир. Марказдаги тажрибам пилот таълим муассасаларида инклюзив таълимни жорий этиш жараёнини ҳуқуқий тарафдан қўллаб-қувватлашни ва ташкил қилиш бўйича лойиҳа вазифаларни тўғри амалга оширишга ёрдам берган. Лойиҳа доирасида фаолият ушбу йўналишдаги ҳалқаро тажрибани ўрганиш, Стефания, Регина, Мудите ва Юрген каби юқори малакали ҳалқаро мутахассислар билан ёнма-ён ишлаш имкониятини берди. Лойиҳа доирасидаги фао-



лиятимда мен алоҳида эҳтиёжли болаларга, уларнинг имкониятларидан ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, таълим кўрсатиш ҳар хил турларни яратиш нақадар муҳим эканлигига амин бўлдим. Ўзбекистондаги жорий қонунчиликка асосланган ҳолда, мен боланинг таълим тақдирини ҳал қилишда иштирок этаётган мутахассислар, ота-оналарнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга ва инклюзив таълимни яратишга ўз ҳиссамни қўшганман. Келажақда ҳам мен ушбу йўналишда иш олиб бораман, чунки республикамизнинг тизимига инклюзив таълимни жорий этиш жараёни давом этади ва мукамаллаштирилади. Мен алоҳида эҳтиёжга эга болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида биз билан ҳамкорлик қилган, ва келажақда ҳамкорлик қиладиган ҳамкорларга ўз миннатдорчилигимни изҳор этаман.

### **Наргиза Алиқулова – коммуникация ва омма хабардорлигини ошириш бўйича эксперт**

Янги концепциялар ва тушунчалар бизларни доимо қурқувга солади. Инклюзив таълим, алоҳида эҳтиёжли болалар, индивидуал ёндошув каби янги атамалар. Ва уларни тарғибот қилиш керак, улар ҳақида гапириш керак, тўғри етказиш, салбий ҳиссиётларсиз, босимсиз, жараёндан ижобий ҳиссиётларни уйғотган ҳолда... Албатта, лойиҳа шахсан мени, менинг ҳаётимга, болаларимга, жамиятга ва албатта... сўзга бўлган муносабатимни... ўзгартирди. Чунки ўз мутахассислигимдан келиб чиқиб, сўз нақадар кучли қўрол эканлигини биламан. Лойиҳа доирасида мен ҳалқаро экспертлардан, РБИИМ ходимларидан, ўқитувчилардан, ота-



оналардан, ва, айниқса, болалардан кўп нарасани ўргандим. Болалар – дунёни соғлом/касал, ок/кора, ўзбек/рус деб қарамайди ва бўлмади. Ушбу қарамакаршилиқни, тушунчаларни биз, катталар, яратамиз. Болалар эса дунёни борлигича яхши кўришади ва қабул қилади. Мен лойиҳа жамоасига, дизайнерларга, суръатчиларга, ва мен билан бир ижодий гуруҳда ишлаган барча инсонларга раҳмат айтмоқчиман. Ҳар биримиз ўз дилидан бир қисмини ҳар бир суръат, расм, нашр, фильм, ёки бюллетенга ҳадя этган. Биз яшаган дунёмизни оз бўлса ҳам яхшироқ қилишга ҳаракат қилдик. Агарда сиз бизнинг фаолиятимиз натижасида инклюзив таълим ҳақида оз бўлса ҳам, кўпроқ ахборотни қўлга киритган бўлсангиз, демак, биз ўз мақсадимизга эришдик!


# Лойиҳа ҳақида қисқача маълумот «Ўзбекистоннинг алоҳида эҳтиёжли болаларини инклюзив таълим олиш» лойиҳаси

Лойиҳа ўз фаолиятини уч асосий йўналишда 5 географик ҳудудда – Тошкент шаҳар, Самарқанд вилояти, Наманган вилояти, Хоразм вилояти, Сурхондарё вилоятларида олиб боради.

**Биринчи йўналиш:** Стратегик доира. Алоҳида эҳтиёжга муҳтож болалар учун тенг ва инклюзив муносабат ўрнатишда ҳукуматнинг юридик ҳамда молиявий доирасида узоқ муддатли стратегияни ишлаб чиқиш

**Иккинчи йўналиш:** Имкониятларни кенгайтириш. Инклюзив таълим бўйича хизмат олди ва паралел йўналишда ўқитувчилар ҳамда ёрдамчи ходимларни тайёрлаш модулини ишлаб чиқариш ва йўлга қўйиш.

**Учинчи йўналиш:** Жамият хабардорлигини ошириш  
Ўзбекистонимизда алоҳида эҳтиёжга муҳтож болалар ва катталарни инклюзиясини амалга ошириш зарурлигини жамиятга етказиш.



Европа Иттифоқи



РБИММ



Ўзбекистон Республикаси

Ушбу лойиҳа Европа Иттифоқи томонидан  
молиялаштирилмоқда ва Human Dynamics раҳнамолигидаги  
консорциум орқали амалга оширилмоқда.

[inclusive-education.uz/](http://inclusive-education.uz/)

[www.facebook.com/inclusive.uz](https://www.facebook.com/inclusive.uz)

[eeas.europa.eu/delegations/uzbekistan](https://eeas.europa.eu/delegations/uzbekistan)

[www.facebook.com/eudeluzb](https://www.facebook.com/eudeluzb)

[www.rcsad.uz](http://www.rcsad.uz)

Тошкент, 2016 йил